



ИНВЕСТИЦИЯ ПОРТФЕЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

Олтаев Ш.С. – СамИСИ доценти, и.ф.н.

Аннотация. Ушбу мақолада аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш орқали молия бозорини ривожлантириш ва пассив даромад манбаларини кенгайтириш масалалари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадқиқотда миноритар инвесторлар қатламини шакллантириш, оптимал инвестицион портфель тузишнинг назарий ва амалий жиҳатлари ҳамда риск ва даромад ўртасидаги мувозанатни таъминлаш механизмлари ёритилган. Шунингдек, акциялар ўртасидаги корреляцияни аниқлаш усуллари, портфельни оптималлаштириш мезонлари ва аҳолининг инвестицион қарорлар қабул қилишда молиявий билимларининг аҳамияти асослаб берилган.

Калит сўзлар: молиявий саводхонлик, молия бозори, инвестицион портфель, оптимал портфель, риск ва даромад, миноритар инвесторлар, корреляция коэффиценти, акциялар.

Мамлакат иқтисодий ўсиши молия тизимининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, молия бозори ушбу тизимнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Аҳолининг молия бозоридаги фаол иштироки, хусусан инвестиция орқали пассив даромад манбаларини шакллантириши аҳоли турмуш даражасининг ошишига хизмат қилади. Бироқ бу жараён аҳолидан етарли даражада молиявий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлишни талаб этади.

Ҳозирги шароитда молиявий саводхонлик даражасининг пастлиги аҳолининг инвестицион фаоллигини чеклаб, молия бозори имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда. Айниқса, оптимал инвестицион



портфель шакллантириш, рискларни баҳолаш ва активларни диверсификация қилиш бўйича билимларнинг етишмаслиги аҳолини молия бозоридаги иштирокини пасайтиради. Шу сабабли аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ва инвестицион кўникмаларини ривожлантириш масаласи долзарб илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Мазкур мақолада аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш орқали молия бозорида миноритар инвесторлар қатламини шакллантириш ва оптимал инвестицион портфель тузиш масалалари илмий жиҳатдан таҳлил қилинади.

Мамлакат иқтисодий ўсиши унинг молия тизимини ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади. Молия тизимида молия бозори асосий локомотивдир. Аҳолининг пассив даромадини ошиши аҳоли турмуш даражасини ўсишига олиб келади. Бунинг учун, аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини ошириш керак бўлади. Аҳоли молиявий билиминини кучайиши, даромадидан самарали фойдаланиш йўллари топишига туртки бўлади. Бундай йўللardan энг оптимали молия бозорига инвестиция киритиш ҳисобланади. Бу миноритар инвесторлар гуруҳини шакллантиради. Миноритар инвесторлар салмоғини юқори бўлиши молия бозорини такомиллаштиришга ва унинг жозибадорлигини оширишнинг сабабларидан бўлиб ҳисобланади.

Бунинг учун, оптимал портфель шакллантириш бўйича кўникманинг мавжудлиги муҳимдир. Оптимал портфель шакллантириш - бу қўйилган мақсадлар учун энг мақбул актив тақсимотини топишга ёрдам берадиган воситадир. Бир томондан, инвестор ўз қўйган сармоясидан максимал даражада даромад олишни истаса, иккинчи томондан, фонд бозорида компанияларнинг ишончсизлиги, банкротлик, баъзи иқтисодий инқирозлар каби маълум рисклар мавжуд.

Акциялардан иборат оптимал инвестицион портфель шакллантириш уч босқичда амалга оширилади:

1. Акциялар ўртасидаги боғлиқлик (корреляция) ни аниқлаш;



2. Акцияларни портфелга танлаб олиш;
3. Инвестицион портфелни шакллантириш.

Биринчи босқичда, танланаётган алтернатив акциялар ўртасида корреляцион таҳлил амалга оширилади.

Иккинчи “Акцияларни портфелга танлаб олиш” босқичида, акциялар ўртасида ўзаро боғлиқликни аниқлаб бўлгач, агар акциялар ўртасида боғлиқлик юқори бўлса, ўртача даромадлиги паст бўлган акцияни портфелдан чиқариб ташлаш керак бўлади.

“Акциядорлик портфелини шакллантириш” босқичида танланган оптималлаштириш мезони ва инвестиция стратегиясига мувофиқ риск ва даромаднинг оптимал нисбатига эришиладиган инвестицион портфель шакллантирилади.

Акциялар ўртасидаги боғлиқлик (корреляция) ни аниқлаш босқичида тасодифий ўзгарувчиларнинг боғлиқлигини аниқлашнинг турли усуллари мавжуд. Бундай усуллардан: Пирсоннинг чизикли корреляция коэффиценти, Кендалл ва Спирманнинг даражали корреляция коэффицент, копула функциялари.

Корреляция коэффицентлари омиллар ўртасидаги муносабатларнинг даражасини аниқлаш учун ишлатилади - акцияларнинг вақт қатори.

Пирсоннинг чизикли корреляция коэффицент, агар ўзгарувчилар ўртасида чизикли боғлиқлик мавжуд бўлса, улар орасидаги боғлиқликнинг яқинлигини баҳолаш керак бўлса ишлатилади. Бироқ, тақсимот қонуни ва ўлчов шкаласи тури ҳақида аниқ маълумот бўлмаса, Пирсоннинг чизикли корреляция коэффицентидан фойдаланиш сезиларли хатоларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун келинг, даражали корреляция коэффицентларини батафсил кўриб чиқайлик. Спирман коэффицентини топиш учун X ва Y вариацион қаторлар кўринишида келтирилган хусусиятлар тартибланади, яъни қаторнинг ҳар бир элементида даража берилади. Иккала белги ҳам бир



хил йўналишда тартибланган бўлиши керак: энг яхшидан ёмонга ёки аксинча. Агар кетма-кетликда бир хил қийматлар мавжуд бўлса, уларга ўртача даража берилади. Ҳисоблашнинг қулайлиги Спирманнинг даражали корреляция коэффициентидан фойдаланишнинг афзаллиги ҳисобланади. Кендаллнинг даражали корреляция коэффициенти маълумотлар хатоси ва номувофиқликларига нисбатан кам сезгир. Шундай қилиб, агар биз Спирман ва Кендалл коэффициентларини солиштирадиган бўлсак, унда аксарият ҳолларда Кендалл коэффициентдан фойдаланишга афзаллик берилади, чунки у ишончлироқ. Бироқ, юқорида тавсифланган Спирман коэффициентнинг афзаллиги, бу ишда қийматларни қўлда ҳисоблашнинг ҳожати йўқлиги ва иккала усулнинг дастурий таъминотини амалга ошириш жуда оддийлиги билан қопланади.

Портфелдаги акцияларни танлаш улар ўртасидаги боғлиқликларга асосланади. Шундай қилиб, олдинги босқичда “Акциялар ўртасидаги муносабатларни аниқлаш” тегишли қимматли қоғозларни кейинги танлаш учун акцияларнинг муносабатлари аниқланади.

Корреляция матрицасини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосалар чиқаришимиз мумкин:

биринчидан, агар иккита акция ўртасидаги корреляция коэффициентнинг қиймати $k+1$ га яқин бўлса, у ҳолда улар орасидаги боғлиқлик тўғридан-тўғри бўлади. Тўғридан-тўғри ёки комонотон боғлиқлик бир акциянинг ўсиши бошқасининг ҳам кўпайиши ёки камаймаслиги ва аксинча эканлигини кўрсатади;

иккинчидан, агар иккита акция ўртасидаги корреляция коэффициенти қиймати $k-1$ га яқин бўлса, улар орасидаги боғлиқлик тескари бўлади. Тескари ёки қарама-қарши монотоник муносабат, бир акциянинг пасайиши бошқа акциянинг кўпайиши ёки камаймаслиги билан бирга бўлишини ва аксинча ҳолат кузатилишини ифодалайди;




учинчидан, агар иккита акция ўртасидаги корреляция коэффиценти қиймати 0 га тенг бўлса, улар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ ва акциялар бир-биридан мустақилдир.

Корреляция коэффицентининг аҳамиятини баҳолаш учун Студент т-тести (т-статистика) қўлланилади.

Акцияларнинг мақбул портфелини шакллантириш муаммосини ҳал қилиш учун комонотоник муносабатларга эга бўлган акциялар жуфтлиги қизиқиш уйғотади. Портфелда бундай акцияларнинг кўплиги рискнинг ошишига олиб келади, шунинг учун оптимал портфелни шакллантириш учун мустақил акциялар ёки қарама-қарши монотон муносабатларга эга бўлган акциялар қўлланилади.

Портфелни оптималлаштириш унга киритилган ҳар бир қимматли қоғознинг шундай улушларини топишдан иборат бўлиб, керакли чекловларни ҳисобга олган ҳолда риск ва даромаднинг оптимал нисбатига эришилади.

Оптималлаштириш мезони сифатида кўпинча турли хил риск даражалари қўлланилади [3]. Риск даражаси - бу рискни ўлчаш, яъни риск даражаси ва аҳамиятини баҳолаш имконини берувчи рақамли хусусиятдир.



1-rasm. Risk darajasi tasniflanishi

“Ўртача ғишнинг хусусиятлари” биринчи гуруҳига тегишли риск даражаси тасодифий ўзгарувчининг қийматларининг маълум бир гуруҳлаш марказига нисбатан тарқалишини баҳолайди. Бизнинг ҳолатда, портфель даромадларининг қийматлари тасодифий ўзгарувчи сифатида ишлайди.



Портфелга акцияни киритишда инвестор ҳар бир акция бўйича риск даражасини ҳисоблайди ва унга кўра ўзининг белгиланган риск иштаҳаси чегарасида акцияларни танлайди. Бу ерда, риск иштаҳаси деганда, бу рискни камайтириш чораларини кўришдан олдин инвестор ўз кўрсаткичларига эришишга интилишда қабул қилишга тайёр бўлган рискнинг максимал даражасига айтилади.

Мамлакатнинг ривожини молия бозорининг ривожига, молия бозорининг ривожини аҳолининг молиявий саводхонлик даражасига боғлиқ ҳисобланади. Бунинг учун, аҳоли оптимал инвестицион портфель шакллантириш тўғрисида кўникмага эга бўлиши лозим. Оптимал портфель шакллантириш, акциялар ўртасида корреляциясини аниқлаш, улар орасида мақбулини танлаш ва риск даражасини аниқлаш орқали эришилади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, аҳолининг молиявий саводхонлиги даражаси молия бозорининг ривожланиши ва инвестицион фаолликнинг ошишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Молиявий билимга эга аҳоли инвестиция қарорларини онгли қабул қилиб, риск ва даромад ўртасидаги оптимал нисбатни таъминлаш имкониятига эга бўлади. Бу эса молия бозорида миноритар инвесторлар улушининг ошишига ва бозор жозибadorлигининг кучайишига хизмат қилади.

Шунингдек, оптимал инвестицион портфель шакллантиришда акциялар ўртасидаги корреляцияни аниқлаш, риск даражасини баҳолаш ва диверсификация тамойилларига риоя қилиш инвестицион барқарорликни таъминловчи муҳим омил эканлиги аниқланди. Аҳолининг ушбу йўналишдаги билим ва кўникмаларини ошириш миллий молия бозорининг узоқ муддатли барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

Биринчидан, аҳоли ўртасида молиявий саводхонликни оширишга



қаратилган инвестицион таълим дастурларини жорий этиш ва уларда оптимал портфель шакллантириш бўйича амалий машғулотларга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Иккинчидан, молия бозори иштирокчилари учун рискни баҳолаш ва диверсификация қилиш усуллари содда ва тушунарли шаклда ўргатувчи ўқув материаллари ва рақамли платформаларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, миноритар инвесторлар фаоллигини ошириш орқали молия бозорида рақобат муҳитини кучайтириш ва бозор ликвидлигини оширишга эришиш лозим.

Тўртинчидан, аҳолининг инвестицион қарорлар қабул қилишда риск иштаҳасини баҳолаш ва молиявий хавфсизликни таъминлаш бўйича билимларини тизимли равишда ошириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Shavkat Oltaev. Innovative Education Is An Important Factor To Increase The Efficiency Of Economic Education. The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research. <https://doi.org/10.37547/tajir/Volume03Issue11-02> 2021. 9-13 pp.

2. Shavkat Oltaev. Innovative Education is an Important Factor in Increasing the Efficiency of Economic Education. Journal of Marketing and Emerging Economics. 54-57 pp. <https://openaccessjournals.eu/index.php/jmee/article/view/940>

3. Shavkat Oltaev. Creation of new jobs in our country – an important factor in providing employment. Modern views and research – 2021. International scientific and practical Conference. London, UK. <https://doi.org/10.5281/zenodo.5570503> 2021. P: 41-43

4. Shavkat Oltaev. Improving Ways of Attracting Foreign Investments to the National Economy and Using Them. International Journal Miasto Przyszłości, 92–95 pp. 2022. <https://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/503>



5. Shavkat Oltaev. Issues of attracting foreign investments to the regions of Uzbekistan: problems and solutions. International journal of social science. 96–100 pp. (2022). <https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/923>

6. Shavkat Oltaev. Ways of increasing the efficiency of using labor resources (on the example of the Samarkand region). Journal of Hunan University (Natural Sciences) Vol. 49. <https://johuns.net/index.php/abstract/445.html> №10. 2022.

7. Shavkat Oltaev. (2024). Ways of government support for innovative activity in the field of service provision. European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 4(01), 231–236. <https://doi.org/10.55640/eijmrms-04-01-41>